# 1-СЕКТОРДА ЖОЙЛАШГАН ТАПТИҚСАРОЙ МФЙДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ.

Данғара тумани 1-секторда жойлашган Таптиқсарой МФЙда ҳоким ёрдамчилари ҳамда туман ҳокими иштирокида Таптиқсарой МФЙга тайинланган ҳоким ёрдамчиси Сардор Турғунбоев фаолияти ўрганилди.

Ўрганиш давомида аҳоли хонадонларида паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, чорвачилик билан шуғулланиш истиқболлари, жойларда тикувчилик ўқув марказлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда мевали дарахт, гул кўчатлари экиш ишлари тўғрисидаги жараёнлар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда маҳалладаги йўл четларига турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2022-03-05 10:36:54